

ЖОШЛИК СУЎЗИ



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

12 июль, чоршанба, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 132 (1134)

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АСОСИЙ МОҲИЯТИ МУЛКИ, ИҚТИСОДИЁТНИ ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ, СИЁСАТДАН ХОЛИ ЭТИШ. БУ ЙЎЛДАН ОРТГА ҚАЙТИЛМАЙДИ!

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



СУРАТДА: қабул пайти.

11 июль кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Туркиянинг «Коч холдинг А.Ш.» компаниялари гуруҳи президенти ва ижрочи директори Инан Кирач бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Туркия Бош вазири Тансу Чиллернинг Ўзбекистонга ташрифидан сўнг Ўзро алоқаларини янги поғонага кўтарилганини қайд этиб, «Коч холдинг А.Ш.» компаниялари бу ҳамкорликка ўз ҳиссасини қўшаётганини таъкидлади. Шунингдек, Ислам Каримов меҳмонларга Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар учун яратилган қўлай шарт-шароитлар ҳусусида сузлаб берди.

— Юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг самараси, сармояларнинг юқори даражада кафолатлангани, мамлакатимизнинг тулов қобилияти ҳамда миллий гу-

лотанинг тобора мустақамла-ниши, — деди Ислам Каримов, — йирик хорижий фирмаларнинг Ўзбекистонга қизиқишини орттирмақда. Биз эса Туркиянинг жаҳонга таниқли фирмалари билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдоримиз. Зеро, бу қардош мамлакатларимиз, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада мустақамлашга хизмат қилади.

Инан Кирач ўзи раҳбарлик қилаётган компаниялар гуруҳи Ўзбекистонга сармоя киритиш ҳақини янада оширишга тайёр эканини билдирди. У Ўзбекистонлик ҳамкорлар билан автомобиль ва савдоси, уларга техник хизмат кўрсатиш со-

ҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича бир неча лойиҳалар ишлаб чиқариётганини айтиди. Келгусидаги ҳамкорлигимиз қардош халқларимиз манфаати учун хизмат қилиши шубҳасиз, деб таъкидлади у.

Сўхбат чоғида Самарқандда кичик автобуслар ишлаб чиқариладиган қўша корхона ташкил этиш, Туркиядан сотиб олинган энгил автомобилларга хизмат кўрсатиш тармоғини яратиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари У. Султонов, республикамизнинг Туркиядаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси А. Абдурахмонов иштирок этди.

Қабул чоғида Туркиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Эрдўгон Айтун ҳозир бўлди.

Испом КАРИМОВ, Ўзбекистон Президенти:

ИСЛОҲОТИМИЗ ТАМОЙИЛЛАРИ

Ўзбекистон тараққиётининг кейинги уч йиллик якуналари талланган иқтисодий моделинг тўғрилигидан далолат беради. Ўзбекистон собиқ СССРдаги кўпгина республикалар ўтиш даврида дуч келётган жуда кўп муаммоларни четлаб ўтди. Ички ялли маҳсулот бу даврда йилга 4 фоздан ортққа қайтди. Саноат ишлаб чиқаришининг пасайиши 1993 йилда 11 фозни, 1994 йилда 4 фозни, 1995 йилнинг биринчи чораида 3 фозни ташкил этди. Ўзбекистоннинг бугунги кундаги иқтисодий кўрсаткичлари МДҲ бўйича энг яхши кўрсаткичлардир. Амалга оширилаётган модел жамиятда барқарорликни сақлаб қолиб, 1996-1997 йилларда иқтисодий ривожланиш учун аниқ истиқболлар яратиш имконини берди.

— Ислам Абдуғаниевич, назаримда, ҳозир Ўзбекистонда ва собиқ СССР республикалари бўлган бошқа давлатларда 1991-1993 йилларда бошланган ўзгаришларга илк бор якун ясама бўлади. Ўзбекистон ўз кўрсаткичлари билан Ҳамдўстлик етакчилиги қилаётган барчага маълум. Республикангизда ўз бераётган ўзгаришлар МДҲ мамлакатларида ҳам, хорижда ҳам сиёсатчилар, иқтисодчилар, сиёсатшунослар эътиборини тобора кўпроқ жалб этмоқ-

да. Кўпчилик мутахассисларнинг фикрига қараганда, ислохотларнинг Ўзбекистон модели барчанинг эътиборини қозонди. Ўзбекистон танлаб олган тараққиёт йўлининг ўзига ҳо ҳусусиятлари нимадан иборат?

— Биз ўзимиз танлаб олган тараққиёт йўли ҳақида гапирганда энг аввало бундан уч йил бурун шаклланди, моделимизга асос бўлган беш тамойилни назарда тутамиз. Улар қуйидагилардан иборат: иқтисодийнинг сиёсатдан устуворлиги;

давлатнинг бош ислохотчи экани; ҳаётнинг барча соҳасида қонун устун туриши; кучли ижтимоий сиёсат; бозорга тадрижий равишда ўтиш. Ўз тараққиёт йўлимиз билан боғлиқ бўлган барча нарсани ана шу тамойиллар акс эттиради.

Биз буйруқбозлик тизими билан воз кечишга қарор қилганимизда нимага эга эдик? Илгариги тизимнинг номақбуллиги Ўзбекистонда барчага аён бўлиб қолган эди. У тизим капиталистик тизим билан мусобақада энгилгани учунгина бу фикр пайдо бўлгани йўқ, албатта. Ўзбекистондаги аҳоли республикамиз хомаиё базаси бўлиб қолгани туфайли янада мураккабланган эди. Ягона иттифоқ мажмуида Ўзбекистон ўзини олдиндан ажратилган ўрин — пахта этказиб берувчи республика вазифини ўтар эди.

(Давоми 2-бетда).

ХОРИЖ САРМОЯЛАРИ ТАДБИРКОРЛИККА

Юртимиздаги кенг қўламли иқтисодий ислохотлар жаҳондаги илғор мамлакатлар тажрибаси ва амалиётини омикорона қўлаш, ўзро фойдали ҳамкорлик миқдсларини жадал кенгайтира бориши тақозо этади.

Мустақил республиканинг қудратли иқтисодиёт манбааларини вужудга келтириш, ҳусусий ва тадбиркорлик корхоналари тармоғини бутун чоралар билан кўпайтириш хориж сармояларини юртимизга жалб этишга кўп жиҳатдан боғлиқ.

Ҳозир биргина Хоразм вилоятида 1000 дан зиёд тадбиркорлик ўчоқлари мавжуд. Якка тадбиркорлик билан шугулланаётганлар сони эса 10 миңларча кишини ташкил этади. Уларнинг аксарияти хориждан ва узоқ-яқин бошқа эллардан ўзига ишончли чет эл сармояларини излаётгани сир эмас. Чет эл сармояларини Ўзбекистонга қўлаб келтириш республика раҳбарияти, ҳукумат идораларининг ҳам муҳим вазифини қаторидан ўрин олган. Ўзбекистонга ишонч қўлаб келган қараб, мадад қўлини чўзишга ҳозирланаётган хорижий ташкилот ва муассасалар ҳам анчагина. Тадбиркорликни қўлаб-қувватлаш Марказий Осиё — Америка жағмафаси ана шулар орасида нуфузли ўринга эга.

Ана шу халқро ташкилотнинг Ўзбекистон тадбиркорлари, ишбилармонлари билан кўп қиррали ва изчил ҳам-

корлиги масалалари Урганчда ўтказилган республика семинар-кенташи кун тартибидан жой олди. Унда тадбиркорлик йўналиши бўйича фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг вакиллари, банк муассасалари ходимлари, юқоридаги жағмафаси мутасаддилари ва мутахассислари иштирок этди. Мазкур жағмафасининг сармоялар бўйича бош мутахассиси жаноб Стивен Липрози, етакчи мутахассис Ли-кил Эдди. Уларнинг аксарияти хориждан ва узоқ-яқин бошқа эллардан ўзига ишончли чет эл сармояларини излаётгани сир эмас. Чет эл сармояларини Ўзбекистонга қўлаб келтириш республика раҳбарияти, ҳукумат идораларининг ҳам муҳим вазифини қаторидан ўрин олган. Ўзбекистонга ишонч қўлаб келган қараб, мадад қўлини чўзишга ҳозирланаётган хорижий ташкилот ва муассасалар ҳам анчагина. Тадбиркорликни қўлаб-қувватлаш Марказий Осиё — Америка жағмафаси ана шулар орасида нуфузли ўринга эга.

А.СОБИРОВ,
«Халқ сузи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ФАРМОЙИШИ

ЖОРИЙ 1995 ЙИЛДА ЕТИШТИРИЛГАН МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ ҲОСИЛИНИНГ НЕС-НОБУД БЎЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК, УНИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА СОТИШНИ ТЕЗЛАШТИРИШ МАҚСАДИДА:

1. Мева-сабзавот маҳсулотларини республика ташқарисига олиб чиқиб сотишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалаларини кўриб чиқувчи республика комиссияси иловага мувофиқ тузилсин.

Комиссия мева-сабзавот маҳсулотлари сотишнинг боришини мунтазам таҳлил қилиб борсин ва пайдо бўладиган муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўрсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари ҳужайдалар иштирокчида комиссиянинг қарорига мувофиқ Россия Федерация-

сининг манфаатдор вилоятлари ва шаҳарлар маъмуриятларига кўрсатилган маҳсулотни тегишли банк кафолатлари бўлганда етказиб бериш учун шартнома-контрактлар тузишни таъминласинлар.

Маҳсулотларни бартер бўйича ўзро етказиб бериш учун истисно тариқасида шартнома тузиш амалда синнаб қўлулсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, валюта тушумларининг бир қисмини Марказий банкка мажбурий сотиш маҳсулотлар сотиб бўлингандан сўнг, лекин 1995 йилнинг 31 декабрдан кечиктирилмасдан,

амалга оширилади.

4. «Ўздавстандарт» маркази (Асриянц), Ўсимликлар карантини бўйича давлат инспекцияси (Тўлағанов), Давлат солиқ қўмитаси (Га-таулдин), ваколатли банклар, «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси (Эрметов) юк-лаш ҳужжатларини янги мева-сабзавот маҳсулотларини жўнатувчи турган жойда кўна-кўна икки кеча-кундуз давомида расмийлаштиришни таъминласинлар.

5. «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси юк тақдим этилишига қўра ҳаракат состишининг ўз вақтида ажратилишини ва берилишини

таъминласин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятларнинг ҳокимликлари жойларда зарур ҳужжатларни тезлик билан расмийлаштириш ва мева-сабзавот маҳсулотларини юк-лаш учун таъин қўйларини ташкил этсинлар.

7. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси
И. КАРИМОВ

Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига илова

ҲУСАНОВ Р. Ҳ. — Қишлоқ хўжалиги вазири
НОСИРОВ Б. Н. — «Ўзмева-сабзавотузумсаноат» уюшмаси раиси
ҚУРБОНОВ Э. Қ. — «Ўз-тайёрловсаноат» уюшмаси раиси
БУРХОНОВ Ф. — «Ўзбекир-лашув бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари
ҚОСИМХУҲАЕВ А. Н. — «Ўзқўқатсаноат» уюшмаси раиси
ОЛИМБОЕВ С. А. — давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари
АБДУЛЛАЕВ Ш. Ю. — Молия вазири ўринбосари
ЭРМЕТОВ Н. — «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси раиси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

«ЎЗИНВЕСТЛОЙИХА» РЕСПУБЛИКА ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Инвестиция лойиҳаларини халқро стандартлар талаблари даражасида тайёрлаш ва экспертиза қилишда инжиниринг хизматлари кўрсатиш бозорини ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. «Ўзгирсаноат» — «Ўзмева-сабзавотузумсаноат» лойиҳаларини таъминлаш институтлари ва Ташки иқтисодий фаолият Миллий банкнинг «Ўзинвестлоий-ха» республика инжиниринг компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.

«Ўзинвестлоий-ха» республика инжиниринг компаниясининг тузилмаси тақдирлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, «Ўзинвестлоий-ха» компаниясини юридик шахс ҳисоблангани ва очик турдаги акционерлик жамияти шаклида ташкил этилади. Бунда компания таркибига кирувчи лойиҳалаш институтлари юридик шахс ҳуқуқини сақлаб қоладилар; ишлаб чиқариш-хўжалик ва молия фаолияти масалаларини му-стақил равишда хал қилади, мар-казлаштирилган захира, суғурта ва бошқа фондларни ташкил этади. Компания маблағлари иқтиёрий пай ва бошқа бадаллар ҳисобидан, шунингдек, устайда назарда тутилган ишлаб чиқариш ва бошқа фео-

лиятлардан олинган даромадлардан шаклланади;

3. Фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради.

3. Белгилаб қўйилсинки, «Ўзинвестлоий-ха» республика инжиниринг компаниясининг асосий вази-ларини куйидагилар ҳисобланади:

инвестициядан олдинги тадқи-қотлар (бизнес-режалар, техник-иқтисодий асослашлар, маблағ билан таъминлаш режалари ва бош-қа ишларни бажариш ва инвести-ция лойиҳаларига эксперт-масла-хатларни илова қилиш;

инвестиция лойиҳаларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишла-б чиқиш;

инвестиция лойиҳаларини хал-қро стандартларга мувофиқ тайёрлаш учун методик тавсияно-малар, шақллар ва кўрсаткичлар ишлаб чиқиш.

4. Компания таркибига кирувчи институтларни куйидаги йўналиш-ларда иқтисодлаштириш мақса-да мувофиқ деб ҳисоблансин:

«Ўзгирсаноат» акционерлик жамияти — республика иқтисоди-ёти базавий тармоқларида инвес-тиция лойиҳаларини ишлаб чиқи-шга;

«Ўзмева-сабзавотузумсаноат»

лоий-ха» лойиҳалаш институти — қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат са-ноати соҳасида ҳамда бош инсти-тут ва республика вилоятларидаги филиаллар базасида ўрта ва кич-ик бизнесни ривожлантириш со-ҳасида инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишга;

«Ўзгирсаноат» жамоа кор-хонаси — энгил саноат ва пахта-ни қайта ишлаш саноти соҳасида ин-вестиция лойиҳаларини ишлаб чи-қишга;

5. Компания таъсисчиларининг компания устав фондиди 20 мил-лион сўм миқдорда, улушларни куйидагича тақсимлаганда ҳолда, ша-қлланб туриш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин:

«Ўзгирсаноат» акционерлик жамияти — 19,8 фоз;

«Ўзмева-сабзавотузумсаноат-лоий-ха» лойиҳалаш институти — 17,8 фоз;

«Ўзгирсаноат» жамоа кор-хонаси — 10,1 фоз;

Ташки иқтисодий фаолият Мил-лий банки — 52,5 фоз.

6. Ташки иқтисодий фаолият Миллий банкига компанияга:

компанияни техник жиҳозлаш ва уни ҳамда унинг лойиҳалаш та-ш-килотларини халқро ахборот ти-зи-мига киритишни таъминлаш-га;

зарур замонавий дастурий маҳ-

сулотлар сотиб олишда;

маркетинг тадқиқотларини таш-кил этиш ва ўтказишда;

лоий-халаш ташкилотларининг моддий-техника базасларини ри-вожлантиришда;

хорижий мутахассисларни жал-б қилиш ва компания мутаха-ссисларини хорижа ўқутишни та-ш-кил этишда фойдаланиш учун бел-ги-ланган тартибда муайян мақса-д-нинг тадқиқотларини ташкил этиш ва ўтказиш соҳасидаги кадрлар-ни муайян мақсад билан тайёр-ла-ш юзасидан тақлифлар кирит-син.

9. Олий ва ўрта махсус таълим вазири бир ой мuddатда лойи-халарни маблағ билан таъминлаш, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва экспертиза қилиш, те-хно-логиялар ва товарларнинг ички ва хорижий бозорларда марке-тинг тадқиқотларини ташкил этиш ва ўтказиш соҳасидаги кадрлар-ни муайян мақсад билан тайёр-ла-ш юзасидан тақлифлар кирит-син.

10. Ташки иқтисодий фаолият Миллий банкнинг банкнинг лойи-халарни маблағ билан таъминлаш бошқармасини банкнинг таркибий бўлинмаси сифатида лойиҳалар-ни маблағ билан таъминлаш мар-казига айлантириш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, марказ-нинг асосий вазифини куйида-гилар ҳисобланади:

ишлаб чиқилган бизнес-режа-лар ва техник-иқтисодий аосо-лашлар бўйича инвестиция лойи-халарини узил-кесил молиявий экспертиза қилиш;

хорижий молия муассасалари-ни жалб қилган ҳолда инвестиция лойиҳаларини маблағ билан

ШТАБ ЙИГИЛИШИ

Бухоро вилоятининг Қоровулбозор туманида бунёд эти-лаётган нефтни қайта ишлаш заводида 11 июль кунин республика штабининг йиғилиши бўлди. Уни Ўзбекистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков бош-қарди.

Йиғилишда завод қурилишига жалб этилган вазириклар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди. Айрим илмий-тек-шириш институтлари заводнинг базис муҳим объекти лойиҳаларини белгиланган мuddатда тайёрлаётгани айтил-ди. Заводни мuddатда ишга тушириш учун барча имконият-лар мажбул. Ана шу имкониятлардан тула-тўқис фойдала-нишга эришиш зарур. Йиғилишда, шунингдек, ишчилар учун етарли шaroит яратиш, нефтчилар шаҳарчаси қурилишини тезлаштириш каби масалалар ҳам муҳокама қилинди, теги-шли чора-тадбирлар белгиланди.

Республика штаби йиғилишида Бухоро вилояти ҳокими М. Раҳмонов иштирок этди.

(Ў.А.)

ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1995 йил 11 июлда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операция-ларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклар иштирок этди.

Сотув ҳажми 16,62 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 30,25 сўм даражасида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1995 йил 12 июлдан бошлаб ҳисоб ва боқона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан куйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	21,65	10 Португалия эскудо	2,06
1 Австрия шиллинги	3,08	1 Сингапур доллари	21,57
1 Англия фунт стерлинги	48,09	1000 Туркия лirasи	0,68
1 Бельгия франки	10,54	1 Финляндия марккиси	7,06
1 Голландия гульдени	19,34	4 Франция франки	6,22
10 Греция драхми	1,34	1 Швеция крониси	4,18
1 Дания крониси	5,56	1 Швейцария франки	26,08
1 АҚШ доллари	30,25	1 ЭКЮ	40,06
1 Миср фунти	8,90	10 Япония иенаси	3,48
1 Ирландия фунти	49,32	1000 Россия рубли	6,61
1 Исландия крониси	0,48	1 Эстония крониси	2,74
10 Испания песети	2,51	1000 Украина карбованец	0,21
100 Италия лираси	1,87	1 Латвия лати	59,55
1 Канада доллари	22,35	1 Литва лити	7,56
1 Кувайт динори	100,83	1 Қозогистон тенгеси	0,48
100 Ливан фунти	1,87	1 Молдова лейи	6,67
1 Германия марккиси	21,65	1000 Белорус рубли	2,63
1 Норвегия крониси	4,87		

Марказий банк 1995 йил 12 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси махсус пул алмаштириш пунктларида фойдаланиш учун нақд АҚШ долларининг куйидаги тикорат қийматини белгилади:


— Сотиб олиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 30,25 сўм.

— Сотиб қиймати: 1 АҚШ доллари — 30,25 сўм.

Хорижий валютани сотиш чоғида сўм билан восита ҳақи олинди.

*) — Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажбур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.


Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси
И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
1995 йил 11 июль.



Олти ойда редакциямиз жойлардан 2500 га яқин хат-хабар олади. Шунинг 1800 га яқини газетда эълон қилинди. Редакцияга келган шикоят, аризаларнинг умумий сони 300 тани ташкил этади. Шикоят ва аризалар асосида 120 га яқин таъқиқий мақола тайёрланди. Таъқиқий мақола, ариза, шикоятларни уларда кўтарилган камчилик ва нуқсонларнинг бартараф этилиши ҳақида маълумот беришни сўраб мутасадди ташкилотлар, масъул раҳбарларга юборган эдик.

Биз аввал Қашқадарё вилоят ҳокимлиги деҳқонobodлик Ю. Мўминовнинг, Фарғона вилоят суди бандодлик С. Йўлдошевнинг, Фарғона вилоят ички ишлар бўлими Фуқат туманилик О. Бегматовнинг, Тошкент шаҳар суди, Сирғали тумани, 5-маев, 50-уй, 26-хонадонда истиқомат қилувчи Х. Обидовнинг, Узуи туман ҳокимлиги «Хурсанд» жамоа ҳўжалиги аъзоси А. Маматқўлиевнинг шикоятига, шунингдек газетда чоп этилган Қ. Раҳмоновнинг «Боқибегамлик» мақоласига Хоразм вилоят ҳокимлиги, А. Маляренконинг «Савобталларнинг хайрлисига муҳтожман» мақоласига «Маҳалла» ва «Наврўз» жамғармалари, А. Соколовнинг «Лаб тишлаб қолдик» мақоласига Тошкент шаҳар ҳокимлиги ўз вақтида жавоб бермаганликлари ҳақида маълумот берган

эдик. Аммо ҳанузгача юқоридаги муаммолар ўз ечимини топган топмагани ҳуусида мутасадди ташкилотлардан жавоб ологанимиз йўқ. Улар ҳамон сукут сақлашапти. Шунингдек, Қўқон шаҳар ҳокимлиги А. Хўқондўз кўчаси, 68-уй, 23-хонадонда истиқомат қилувчи Д. Носированинг, Пастдарғом туман ҳокимлиги Қ. Тураев жамоа ҳўжалиги аъзоси Г. Турсунованинг (жами 28 имзо), Тошкент шаҳар прокуратураси У. Алиходжаевнинг, Андижон туман ички ишлар бўлими Кўсанбўй қишлоғи, Ойжамола кўчаси, 16-уйда истиқомат қилувчи М. Урибобованинг, Бахмал туман ҳокимлиги «Сафарали» деҳқон-фермер ҳўжалиги аъзоси О. Ҳошимовнинг шикоят хатларига ўз вақтида жавоб берсалар нур устиса аъло нур бўлар эди.



ТАНАЗЗУЛ ГИРДОБИДА

ЁКИ АНГРЕНДАГИ «ЧОТҚОЛ» ЁРДАМЧИ ҲЎЖАЛИГИНИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ НЕГА ПАСАЙИБ КЕТМОҚДА?

Дарҳақиқат Ангрен шаҳридаги Урта Осий кўмир ишлаб чиқариш бирлашмаси иштиёрида бўлган «Чотқол» ёрдамчи ҳўжалиги ишари жуда катта маъқега эга бўлиб, 80-йилларнинг ўрталарида ўз ишлаб чиқариш қамровининг кенглиги ва маҳсулдорлиги билан республикамизда каттагина обрў-эътиборга эга эди.

Ҳўжалик асосан чорвачилик ва галлачиликка ихтисослашган. Уша пайтларда унинг 15 минг гектардан кўпроқ яйловларида 22 минг бошдан зиёд қўй ва эчки, кўплаб қорамол, шу жумладан 450 бошдан кўпроқ соғин ситир, 270 бош йилқи, шунингдек анчагина миқдорда парранда, асалари оилалари ҳамда чўчқалар бўлган. Ҳўжалик гўшт ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича салмоқли ўринлардан бирини эгаллаб келганлигини «чотқол»ликлар ҳозир ҳам ҳавас билан эслайдилар.

Кейинчалик ҳўжалик Ангрендаги Урта Осий кўмир ишлаб чиқариш бирлашмасига ўтказилгандан сўнг аста-секин ишлаб чиқаришда инкирозлар, суръатнинг ўсишида эса таназзуллар юз бера бошлади. Жумладан, 1985 йилга келиб, қўй ва эчкиларнинг умумий сони 10 минг 400 бошга, 1990 йилда 5604 бошга, амалдаги йилда эса 4931 бошга тушиб қолди. Бугунги кунда ҳўжалик молхонасида 122 бош қорамол бор. Унинг 51 тасини соғин ситирлар ташкил этади. Йилқилар эса 1000 бошдан сал ошди ҳолос. Асаларичилик ўз-ўзидан барҳам топиб кетди. Чўчқачилик ҳам йўқолиш арафасида турибди.

Авваллари бу ерда 457 гектар сугориладиган майдонда сабзавот, полиз маҳсулотлари ҳамда картошка ва бошқа озиқ-овқат турлари етиштирилган. Бироқ ҳозирга келиб, бу ерда атиги 3 гектар ерда ош лаваги, уч гектардан кўпроқ ерда ошқовоқ, 4 гектар ерда картошка, бир

лиги жамоаси 80-йилларда 15 тоннадан кўпроқ жун ишлаб чиқарган ва ана шу манбадан келган даромад ҳисобига ҳам рентабелликни анча оширган эдилар. Бу йил эса ҳозиргача атиги 5 тонна жун қирқиб олинди. Катта обрў-эътиборга сазовор бўлган «Чотқол» нима учун таназзулга учрай бошлади? — Энг аввало шунга эъти-

қилиб, ҳўжалик чорвачилиги бутунлай барҳам топган бўларди. Ҳозирги кунда ҳўжаликнинг ўз муҳри ҳам, банкда ҳисоб дафтари ҳам йўқ. Бир донга ситирти олишга ҳам бирлашмага бориб ялинишга мажбур бўламиз. Кўриниб турибдики, ушабу ҳўжалик яқин фурсатда тегишли Оҳангарон тумани тасарруфига ўтказилмас

• **Изларини излайман**
ҚАЕРДАСАН, БЕРДИЁР УКАМ!...
Ёшиг угайган сари қариндош-уруғ, оға-шиларингизга сўниб қоларкансан киши. Мен ҳам сўнги пайтларда урушдан кейинги йилларда бедарак йўқолган укам Бердиёрни кўп кўзсайдиған бўлиб қолдим...
1946 йил отамиз Мамат Каримов вафот этдилар. Биз уша вақтда Кармана тумани Туркистон қишлоқ кенгаши «Қизил қўшин» жамоа ҳўжалигида ишар эдик. Оралдан бир йил ўтгач, онамиз ҳам қазо қилдилар: ака-ука тоғамизнинг қилари Ҳосият опа қўлида қолдик. Аҳволимиз

• **Сўраган эдингиз ДИРЕКТОРЛАР МУСТАСНОМИ?**
Президентимизнинг фармонларида кўра 25 йиллик меҳнат стажига эга ўқитувчилар 55 ёдан имтиёзли пенсияга чиқши имкониятига эга. Бу фармон мактаб директорларига ташуқли эмас экан. Агар директор тўлиқ бир ставка дарс ўтасан?
А. ЖОНҒОЗОВ, Қўшработ тумани.

ХАЛҚ СЎЗИ - ҲАҚ СЎЗ

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ОЛИЙ МАҚСАДИ - ХАЛҚИМИЗНИНГ ИЗЗАТИНИ ҲОЙИГИ ҚЎЙИШ



бор бериш керакки, — дейди ёрдамчи ҳўжаликка яқиндагина директор бўлиб сайланган Райимжон Шодиматов. — Урта Осий кўмир ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Анатолий Иосифович Лилейко мазкур ҳўжалик фаолиятига панжа орасидан қараб келмоқда.

Масалан у киши ўтган йил кўзда шасхан ёрдамчи ҳўжалик лийловларидаги барча қўй-эчкиларни Ангрендаги саноат корхоналарига бериб юбориши, қишдан қишқандан кейин эса, ўрнига бошқа моллар сотиб олиш ташаббуси билан чиқди. Ҳайриятки ҳўжаликнинг айрим мутахассислари бунга қарши маҳкам оёқ туриб олдилар. Акс ҳолда ҳамма қўй-эчкилар сотилиб кетган, қўламда эса ҳамма қўралар бўш

экан, келажакда ўз-ўзидан тутатиларди. — Ёрдамчи ҳўжаликда 22 та автомашина, 12 та трактор, яна бир қанча қишлоқ ҳўжалик техникаси бор, — дейди бош муҳандис Абдуманнон Шерматов. — Техникамиз учун бир ойга атиги бир тонна ёнилги берилади. Ҳисоблаб чиқсак, ҳар бир автомашина учун бир кунга 17,5 литрдан ёнилги бериладаркан. Уни ҳам Ангрен шаҳридаги биздан анча узоқ бўлган 7-автобазанинг ёнилги тақимлаш шохобчасидан қўямиз. Қишлоқ ҳўжалик машиналари учун захира қисмлар сотиб олишга яқин орада маблағ ажратилганини эслотмайман.

Незматжон Мирзаев, далачилик бригадаси бошлиғи. Унинг айтишича Урта Осий кўмир ишлаб чиқариш

дир Ангрен шаҳар раҳбарларини мутлақо қизиқтирмапти. Биз ушабу мақолани тайёрлаш жараёнида Ангрен шаҳар ҳокими ва Урта Осий кўмир ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбари А. И. Лилейко ҳузурига бордик, аммо улар хизмат сафаридан бўлганликлари учун суҳбатлашиш имкони бўлмади. Бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам «Чотқол»нинг ҳозирги аҳволи одамларни ниҳоятда ташвишга солаётгани ҳар қандам сезилиб турибди. Ўйлаймики, «Чотқол»нинг тақдирини Тошкент вилояти ҳокимлиги жиддий шугулланади ва одамларнинг ҳақли талабларини инобатта олади.

1960 йил армия сафига бориб келгач, укам Бердиёрни излашга киришдим. Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармасига бориб, 1950 йилда укамни Ургут туманидаги Макаренко номида болалар уйига жўнатилганини билиб олдим. Ургутдан сўнг у қаерга юборилган... номаълум. Укамнинг бир оёғи панжа томонидан қийшиқ бўлиб, бироз оқсаб юрарди. Ҳозир Бердиёр қаерда, уни таниган, билган одамлар бордир. Балки жигаргўшамиз ҳам бизнинг йўлимизга муштоқдир.

Мамидёр КАРИМОВ, Пахтачи тумани, «Самарқанд» жамоа ҳўжалиги.

• **Жиноят жазосиз қолмайди!** **ВА НИҲОЯТ АДОЛАТ ҚАРОР ТОПИБ, ҚОТИП ЎЛИМГА МАҲКУМ ЭТИЛДИ**

Ҳурматли редакция ходимлари! Мен бир муштипар онаман. Ушабу хатни ёзишма сабаб, иккинчи ўғлим Машраббев Нихомжон 19 ёшида Усмонов Муса бошиқ жиноятчилар гурӯҳи томолинда ваҳиёна ўлдирилганлигидир. У ҳаётининг нималигини энди-энди тунувуб келаятган, ўн гунаҳдан бир гунаҳ ошмаган чоғида ҳалок бўлди. Жажжисина фарзанди ота меҳрига зор, турмуш ўртоғи бева қолди.

Лекин кўпчилики таяжубга солган, бизни янада амга бошган нарсаси — 1991 йил 7 июлда содир этилган жиноятнинг жазосиз қолиши бўлди. Чунки кишилар қўриқиб гувоҳлик беришга ботина олмади. Қарийб 60 дан ортққ одам воқеа содир бўлган жойда томошабин бўлиб тургани ҳолда, ҳеч ким юрак ютиб, кўрганни айтмади. Натияжада қотиллар жазосиз қолди.

Онда аъзоларимизни 4 йил терговма-тергов судма-суд қараривериб эриктиришди. Уч марта вилоят суди ишнинг қўриқиб чиқди ва старти далай йўқ, деб ишнинг ҳаракатдан тўхтади. Ноҳақлик, одамларнинг бепарволиги (лояқиллиги), айрим терговчиларнинг маъқасизлиги гуайли одам ўлдирганларга бир йил жазо бериб, кейин оқлаб юборишди. Жиноятчи номаълум киши бўлиб қолаверди.

Ниҳоят биз ва маҳалламиз аҳли ҳақиқат рўёбга чиқмаслигига ишонаёган эдик. Кунлардан бир кун (1994 йилда) ёшигана бир аёл терговчилигини, ишнинг қайтадан қўриқиб чиқмоқчи эканлигини айтди. У бошиқлик билан «менга ишонинг» деди ва масалани сабр-тоқат билан ўрганди. Наманган шаҳар прокуратурасининг катта терговчиси Оқилахон Ҳусановга эртаю кеч шу жиноят изидан тинимсиз ҳаракат қилди, қўриқув, пўпасалардан чўчмади. Гувоҳликдан қўрққан одамлар қабига йўл топди. Ҳақиқатни юзга чиқаришга кеча кундуз демай ишладик. Қисқасан, суд ашаддий жиноятчини олий жазога ҳукм қилди.

Хурматли «Халқ сўзи» газетаси изҳоркорларини! Матбуотда врачлар, ўқитувчилар, ишбилармонлар ҳақида қўй ёзилди. Лекин мана шундай элим деб, юртим деб яшайдиган фидокор, ҳалом мурурий орган ходимлари ҳам борки, уларга ҳар қанча таъзим қилсак арийди. Улар бор экан, адолат барқарордир. Шунинг учун ҳам меннинг газета орқали миннатдорчилигимни изҳор қилишингизни сўрайман.

Файзиҳон АҲРОРОВА, Наманган шаҳри.

НИМА, ҚОНУН УНГА ТЕГИШЛИ ЭМАСМИ?

Бироқ ҳайдовчиларнинг айримлари виждонларини ютиб, улардан ошқора пул талаб қилишяпти. Масалан, шу йилнинг 21 июнь кунини эрталаб соат саккизларда Гишти — Ёғдувон йўналишини буйича қатнайидан 19-40 БХП автобусининг ҳайдовчиси кўз оғзи Тошбўйи Янгйўлда қўнликлик қилиб, унинг йўлбошчиси учун ўн сўм пулни тулашга мажбур қилди. Уни тартибга чиқарсак, ҳеч қандай қонуни, қарор ва кўрсатмани тан олмастлигини ошқора айтган.

Ҳамма жойда қонун устиворлигига амал қилиш қатъий талаб этилаётган бир пайтда бундай қимсаларнинг мушунини «ишти» деганидан бирорта шахс Ёғдувонда ёки Бухоро вилоятда топилармикин?

Ақбар ҲАЙДАРОВ, Бухоро шаҳри.



• **Мададталаб мактублар** **САВОБДАН ҚУРУҚ ҚОЛМАНГ, ЎРТОҚ БОШЛИК**

Ҳар бир миллатда ҳам ўтганлар рўҳини шод этиш, қабристонларини обод этиш савоб ҳисобланади. Лекин бизнинг Самарқанд шаҳрининг Воҳид Абдулло номида қандай бўлган «Богмайдон» қабристонини ободлаштиришга жуда қийналимиз. Сабаби сув йўқ. Сиб туман ҳокимлиги водопровод қувири учун пул ажратган. Аммо туман ободлаштириши бўлими бошлиғи Раҳматулло Аҳмадхон водопровод ўт-

Булқоқчи туманилик Незматжон ота Назаров ўзининг бутун умрини бог-роғлар барно этишга бағишлаган кишилардан. Унинг кўп йиллик ҳалол меҳнати муносиб баҳолаган. Отаҳон Ризамат Муса-муҳамедов номи мукофот соҳиби, кўсини бир неча орден ва медаллар безаб турибди.

Айни кунда отахон ишини унинг ўғли «Жўраповон» ишратлар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутаты Тождиддин Назаров давом эттирмоқда. У ҳар тонг ишга кетишдан олдин отаси билан суҳбатлашади. Ундан масалаҳатлар олади.

СУРАТДА: Незматжон ота Назаров ўғли Тождиддин Назаров билан.

Т. ХАМРОҚУЛ олган сурат.

• **Алдагани деҳқон яхши экан-да!**

Олмалик шаҳрида яшаймиз. Оиламиз деҳқончилик билан шугулланади. Кўп вақтлар қаровсизликка қўриб боряпти. М. СОБИРОВ.

• **Алдагани деҳқон яхши экан-да!**

Олмалик шаҳрида яшаймиз. Оиламиз деҳқончилик билан шугулланади. Кўп вақтлар қаровсизликка қўриб боряпти. М. СОБИРОВ.

ЭЛНИНГ РИЗҚИ КЎР ҚИЛУР

Халқимизнинг дон маҳсулотидаги бўлган талабини қондириш, четдан валюта ҳисобига галла сотиб олишга чек қўйиш бўлиб галлакорларга ҳамма камарбаста бўлмағи керак. Уларнинг беҳисоб меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилини нест-нобууд қилмасдан, талон-тарож бўлишга йўл қўймасдан, саранжомлаб олишга кўмаклашиш барчамизнинг бурчимиздир.

Афсуски, «урқода йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир», деганларидек, деҳқоннинг ҳосилига «шериклар» — эл ризқига кўз олайтирувчи ноинсоф, нопок қимсалар учраб турибди. Шунинг учун деҳқонга даладаги галлани ўриб-йиғиб олиш, уни ташвиш ва сақлашда прокуратура ходимларининг ҳам маълум даражада ёрдами керак бўлаётди.

Бу борада ҳуқуқчи муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг вазифини галлакорнинг ноини «қўй» қилмоқчи бўлганларга қарши курашишдан иборат. Ахир

барака уруғи қадалган вақтдан бошлашган эди. Жумладан, прокуратура ходимлари галлазорларини пайхон қилиб, ниҳолларни мол-хонга едирмаслик учун мансабдор ва масъул шахсларнинг эътиборини қўчайтирди. Мутахассисларни жалб қилиб тумандаги барча ҳўжаликларда текширилган олиб борилиб, галла экилган майдонлар ўлчаб чиқилди. Натияжада уруғ экилган ерларнинг ҳисоблаш ишидаги чалқашдиклар барҳам топди.

Галла экинларини пайхон қилган, ниҳолларни молига едирган шахслар аниқланди, улар тегишли жазаоландилар. Масалан, Лойиш Шайхонасиди яшовчи фуқаро Ш. Тўйчиев 1995 йил 14 апрел кунини ўзининг 10 дан зиёд қорамолини Бобур номи ҳўжалик ҳўжаликларига божик 3842 метр қадрат майдондаги экин-

ўлчаб қўрилганда 750 килограмми ташкил қилди. Ҳозир Р. Ражабова нисбатан жиноят иши қўзғатилиб тергов ҳаракатлари олиб бориюмоқда.

Халқимиз элнинг ризқи кўр қилур», деб бежиз айтмаган. Далададаги ҳар бир бошқоқдаги дон — элнинг насибаси. Хирмонга хирмон қўшиб, халққа хизмат қилиш ўрнига бор насибанинг ҳам баракасини учиринишга ҳаракат қилаётган қимсалар қонунни қўзғатишга қарши қўриқиб олиш, ташвиш ва сақлашда нобудгарчиликка, ўрилик ва талон-тарожликка қарши курашда қатъий билан иш олиб боришмоқда. Бу — бугунги кун талаби-дир.

Келдиш ПЎЛАТОВ, Оқдўр туман прокурори, ақли кичик маслаҳатчиси.



Яхши дам — меҳнатга ҳамдам. Э. ҚУЛМУРДОВ сурат-лаҳзаси.

«ЗАМАХШАРИЙНОМА»

Жаҳон фани ва маданияти тараққийига мислсиз ҳисса қўнган беназир инсон, улуг аллома Абу-л-Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад аз-Замахшарий имом ал-Бухорий, имом ат-Термизийдек буюк зотлар каби маърифатпарвар донишмандлар. Хоразмнинг Замахшар қишлоғида туғилган олим авлодларга бениҳоя бой илмий-адабий мерос қолдирган. Маърифат дунёсида диний илмлар, лугатшунослик, грамматика (наҳв), аруз, адабиётга ва мантиққа оид эллиқка яқин асарлари, хусусан, Куръони карим тафсирига бағишланган «Ал-Кашшоф» китоби маълум ва машҳурдир.

Шоир Олимжон Бўриев алломанинг фалсафий, илмий, диний қарашларини имкон даражасида баҳоли қудрат талқин қилишдек, хайрли ишни ўзининг «Замахшарийнома» манзумасида амалга оширди. Қуйида мазкур асардан намуналар билан танишасиз.

Оламда топмағай асло омонлик. Халолу пок инсон ушбу дунёда, Ризқи кундан-кунга бўлиб зиёда. Хар икки дунёси бўлади обою, Шу боис юради хотиржаму шод. Поклик ғоясининг бўлиб раҳбари, Яшадинг оламда, аз-Замахшарий.

Уз оға-ининини мақтабон ёд эт, Хушбўй сўзлар ила кўнглини шод эт. Бўласа ҳам у сендан узоқ шаҳарда, Номиши унутма бу бахру барда. Мушки анбар янглиг бўсин каломинг, Шунда яхшилик-ла эсланар номинг. Оға-ининга сочмасе атрин, Ул одам йўқотар оламдан қадрин. Энг яқин қариндош инсон эжизари, Уни қадрлагай аз-Замахшарий.

Одамнинг агарда дили бўласа соф, Сахию тўғри сўз, урмаса гар лоф. Зоҳиран меҳрибон ҳам ҳалим бўлар, Кучлино забардаст ҳам салим бўлар. Мардликдир инсоннинг зару зевари, Олимлар мардибир аз-Замахшарий.

Бир-бирингиз ила дўсту иноксиз, Мисоли кўш данак, битта пўноксиз, Холбуки етмаган сизга муҳтожлик, Хасталик, мусибат, қаҳатлик, очлик. Бўласангиз энг оғир дамда ҳам ҳамдам, Сизга раҳматини ёддирар Эгам. Кимнингки кўш бўласа дўст-биродари, У одам бахтлидир, аз-Замахшарий.

Тилингни тийишга топмасан имкон, Унда билки ҳолинг бўлади ёмон. Тизсин жиливини шайтонга бериб, Юрасан иблисдек қаддингни кериб. Тилингни сузги йўқ, буш қўйма, тилша, Валдираб гап сотма, ишни қил, ишла. Бўласа инсоннинг илму ҳунари, Рўзғори бут бўлмас, аз-Замахшарий.

Бошингиза иш туғуса бўлиб мулоим, Термулиб боқмоқлик одатдир доим. Қилиб одамларга меҳру муруват, Уйғонар дилингда илоҳий рағбат. Мабодо муробинг бўласа гар ҳосил, Бўласанг неъматлару давлатга восил. Сийратинг ўзгариб, бўлиб бағри тош, Дайданг ўша маҳал сени қотар тош. Иймонинг дилингда бўласа саломат, Сени ўзгартирмас почорлик, давлат. Утқишчи оламнинг неъматини бари, Фақат илм боқий, аз-Замахшарий.

Мерос қолган мол-мулкдан мудом, Ироққ бўзга, удир сенга дом. Ташлаб кетган одамнинг охи, Мерос қолган мулкнинг гуноҳи — Машаққату азоби етгай, Бил, сендан ҳам у қолиб кетгай. Тушин ҳақинг сена назари, Керак эмас зару зевари, Деган устоз аз-Замахшарий, Билсин буни хар ёшу қари.

Халолу пок инсон доим хотиржам, Кўнгли алғов-далғов кимки муттаҳам. Ким доим айласа зулму ёмонлик,

Олимжон БҮРИЕВ.

Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт

Футбол «КУБОК БАҲСЛАРИДА КУЧЛИ ЁКИ КУЧСИЗ ЖАМОА БЎЛМАЙДИ»

Биллур соврин баҳслари футболсеварлар томонидан ҳар доим ўзгача қизиқиш билан кузатилади. Чунки, биллур соврин баҳслари мағлубиятга учраган жамоани «кечирмайди», яъни у кураш-

радиан хусусиятдир. Ўзбекистон кубоги учун бу йилги баҳслар ҳам ана шу хусусиятлардан холи бўлмади. 1/8 финалга йўлланма олган жамоалар орасида биринчи лиганинг учта вакили бор-

ради. Зарафшоннинг «Прогресс» клуби Тошкентнинг «Пахтакор» жамоасини қабул қилиб, 0:3 ҳисобида имкониятни бой берди. 1/8 финал ўйинларининг қутулмаган, кубок баҳсларида хос натижаси Бухорода қайд этилди. Чемпионатда медаллар учун кураш олиб бораётган «Нуррафшон» клуби аутсайдерлардан бири «Чирчиқ»дан 2:3 ҳисобида мағлубиятга учради.



Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Машғал» — «Нефтчи» — 1:2, МХСК — «Янгир» — 2:0, «Атласчи» — «Трактор» — 0:2, АСК — «Сўғдиёна» — 0:3. «Навбахор» — «Ситора» учрашуви кечиктирилди. 1/8 финалнинг такрорий учрашувлари 23 августда ўтказилади.

Шахмат

НЕНАШЕВ ЖАҲОН ТОЖИ УЧУН КУРАШНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ

Пойтахтимиздаги зобитлар уйда шахмат бўйича жаҳон шахсий чемпионатининг минтақавий турнири ниҳосига етди. Эраклар баҳсида ҳамюртимиз гроссмейстер Александр Ненашев 12 имкониятдан 9,5 очко жамғариб, голиб чиқди. Аёллар баҳсида эса қозогистонлик шахматчи Элдара Сахатова барчани ортда қолдирди. Шундай қилиб, Ненашев ва Сахатова келгуси йилнинг бошида жаҳон шахсий чемпионатининг Ереванда ўтказиладиган минтақаларо мусобақасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Шунинг таъкиллаш жоизки, пойтахтимизда ўтказилган саралаш босқичида чирчиқлик шахматчи Сайдали Йўлдошев яхши натижага эришиб, халқаро тоифадаги спорт устаси талабни бажарди.

Рекордлар, воқеалар, очколар

ҲАФТАПИК МАОШИ 1,5 МИНГ ДОЛЛАР

Футболсеварларимиз орасида сочларини қизларникидек қирқ ўриб, майдонга чиқадиган суринамлик Рууд Гуллитни билмайдиганлар камдан-кам топилади. Бутун жаҳонда ўз мухлисларига эга бўлган бу футболчи келгуси мавсумда Англиянинг «Челси» клуби сафида майдонга чиқишга шайланган. Таниқли мураббий Гленн Холд устозлик қилаётган «Челси» клуби Руудга ҳафтасига 1,5 миң доллар маош беришни ваъда қилипти. Яна бир ҳафтадан сўнг Италиянинг «Сампдория» жамоаси билан шартномаси туғайдиган Гуллит англияликларнинг таклифига розилик билдирди.

ТАЙСОН ЯНА РИНГГА ЧИҚАДИ

Икки ой муқаддам қамқондан чиққан собиқ жаҳон чемпиони Майк Тайсоннинг кейинги тақдирини жаҳон мабтуоти кунора ёритмоқда. Навбатдаги хабарларга қара, афсонавий профессионал боксчи ўз рақибини маълум қилди. Майк шу йил 19 августда 36 марта рингга чиқиб, шундан 35 тасида галаба қозонган (30 тасини нокаут билан ақюналган) бостонлик Петер Макнил билан ўзаро баҳслашмоқчи. Бу жангни томоша қилувчилар учун стадионга кириш чиптасининг нархи 200 дан 1500 долларгача туради.

Р. ЭРМУХАММАД.

ЯНГИ ЖУРНАЛЛАРГА ОБУНА БОШЛАНДИ КОРХОНА, ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ, ИШБИРАМОН РАҲБАРЛАРИ, МОЛИЯ-БУХГАЛТЕРИЯ, СОЛИҚ ВА БАНК ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИ — ДАРОМАД ҚИЛИШ ҲАМДА ЎЗ ПУЛИНИ ҲИСОБЛАШНИ БИЛАДИГАН БАРЧА КИШИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси ва ҳаммуассис «НУР» консултиватив фирмасининг янги «СОЛИҚ ТҮЛОВЧИНИНГ ЖУРНАЛИ» — «ЖУРНАЛ НАЛО-ГОПЛАТЕЛЬЩИКА» га обуна бошланди. Ўзбек ва рус тилларида чиқадиган бу журналларда бугунги кунимизнинг энг долзарб масалалари ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими, бухгалтерлар учун қўлланма, банк ва молия ахбороти, қимматбаҳо қоғоз ва инвестиция, хусусийлаштириш ва тадбиркорлик, фонд бозори, чет эл солиқ тизими, ишбилармонлар тажрибаси мавзуларида ранг-баранг мақолалар бериб борилади. Шунингдек, солиқ тизими, молия ва бухгалтерия соҳаси мутахасссларининг амалий маслаҳатлари билан танишасиз. Солиқ тизимининг яхши билишингиз муваффақиятларингиз гаровидир. 1995 йилнинг II-йрим йиллигига обуна бўлиш масалалари бўйича қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг: 41-09-83, 44-20-96, 41-40-77, 33-66-06.

«ЭМАЛЬ» акционерлик уюшмаси корхона ва ташкилотларга юқори сифатли ранго-ранг эмаль бўёқларни чекланмаган миқдорда тавсия этади. Бундай маҳсулотни фақат биздан олиш мумкин. «Эмаль» акционерлик уюшмасининг манзили: 700015. Тошкент, 3-тор кўча Фарғона йули, 73. Маълумот учун телефонлар: 91-56-20, 34-31-19. Биз сизни кўтамиз!

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИГА ҚАРАШЛИ 309-ШАРҚ ТИЛЛАРИ ЛИЦЕЙИ МАЗКУР ЛИЦЕЙ ҚОШИДА ОЧИЛГАН УМУМТАЪЛИМ МАКТАБНИНГ 8-СИНФИГА 1995/96 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВЧИЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ УШБУ БИЛИМ ДАРГОХИГА МАКТАБЛАРНИНГ 7-СИНФИНИ АЪЛО БАҲОЛАР БИЛАН ТУГАТГАН ЎГИЛ-КИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ ЛИЦЕЙДА дарслар ўзбек, инглиз ва шарқ тилларида олиб борилади. Замонавий компьютер ва лингофонлар билан жиҳозланган лабораториялар мавжуд. ЛИЦЕЙДА замонавийнинг юксак талаблари жаов берадиган: а) шарқ мамлакатлари филологияси б) жаҳон иқтисодий мутахассислиги бўлимлари бор. Ўқувчиларнинг дунё стандартлари даражасида билим олишлари учун лицейда барча имкониятлар яратилган. Бу ерда ўқувчиларнинг илмий жамиятлари: — «Кичик Академия» — «Аҳли — ал — илм» — спорт тўрақлари иш олиб боради.

КИРИШ УЧУН ЗАРУР БЎЛГАН ҲУЖЖАТЛАР: 1. Ариза. 2. Маълумоти тўғрисида гувоҳнома (табель). 3. Тиббий маълумотнома 086/у. 4. 3х4 ҳажмидаги 4 дона фотосурат. 5. Туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси. Шунингдек, ўқувчилар Ўзбекистон давлат мадҳиясини, байроқ ва гербидаги белгиларни ёддан билишлари керак. ҲУЖЖАТЛАР 10 ИЮЛДАН 31 ИЮЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. Сўхбат ва тестлар 15 августдан 25 августгача ўтказилади. Манзили: Тошкент О. Бобоҷонов кўчаси, 20-уй. Транспорт: Автобуслар 10, 85, 14, 100; трамвай 27, Шимолӣ олмазор бекати. Телефон: 48-50-97.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ ХАБАР ҚИЛАДИ: ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ВА БОШҚА ТУЗИЛМАЛАРДА ОМОНАТ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

- Расмий хабарларга қўра, Россия Федерациясида 80 млн. дан ортиқ фуқаролар жамғарма фирма ва махсус фондларга ишониб топшириб, ўз жамғармаларидан ажралиб қолдилар. Бу ҳол Ҳамдустликнинг бошқа мамлакатларида ҳам такрорланмоқда. Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки аҳолини ўз жамғармаларини қуйида рўйхати келтирилаётган тижорат банкларига топшириш зарурлиги тўғрисида яна бир бор огоҳлантиради: 1. Ўзбекистон Республикаси Саноат-қурилиш акциядорлик-тижорат банки — «Ўзсаноатқурилишбанк» ва унинг бўлимлари. Манзили: Тошкент шаҳри, Абдулла Тўқай кўчаси, 3-уй. 2. Ўзбекистон Республикаси Деҳқончилик-саноат банки — «Ўздеҳқонсаноатбанк» ва унинг бўлимлари. Манзили: Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 45-уй. 3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва унинг бўлимлари. Манзили: Тошкент шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 23-уй. 4. Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркор» акциядорлик-тижорат банки — «Ўзтадбиркорбанк» ва унинг бўлимлари. Манзили: Тошкент шаҳри, Жуковский кўчаси, 52-уй. 5. Ўзбекистон Республикаси Давлат тижорат жамғарма банки — «Ўзжамғармабанк» ва унинг барча бўлимлари. Манзили: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги шоҳкўчаси, 6-уй. 6. Ўзбекистон-Туркия қўшма банки — «ЎТ банк». Манзили: Тошкент шаҳри, Жуковский кўчаси, 45-уй. 7. «Ипак йули» инновация тижорат банки ва унинг бўлимлари. Манзили: Тошкент шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси, 5-уй. 8. «Инвестбанк» акциядорлик-тижорат ривожланган сармоя банки — «Ўзинвестбанк». Манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй. 9. «Наманганбанк» акциядорлик-тижорат банки. Манзили: Наманган шаҳри, Терешкова кўчаси, 2-уй. 10. «Андижонбанк» акциядорлик-тижорат банки ва унинг бўлимлари. Манзили: Андижон шаҳри, Бобур кўчаси, 1-уй. 11. «Шарқ» кооператив банки. Манзили: Самарқанд шаҳри, Улўбек кўчаси, 148-уй. 12. Ўзбекистон Республикаси савдо ва тижоратта кўмаклашувчи акциядорлик-тижорат банки — «Ўзсавдогарбанк» ва унинг бўлимлари. Манзили: Тошкент шаҳри, Клара Цеткин кўчаси, 78-уй. 13. «Олимбанк» хусусий банки. Манзили: Самарқанд вилояти, Ургут шаҳри, Навоий кўчаси, 35-уй. 14. «Умарбанк» хусусий банки. Манзили: Самарқанд шаҳри Даҳбед кўчаси 14-уй. 15. «Ўзавтотўлбанк» акциядорлик-тижорат банки. Манзили: Тошкент шаҳри, Педагогика кўчаси, 14-уй. 16. Ўзбекистон Республикаси Енгил саноат уюшмаси тармоқ банки — «Ўзенигилсаноат» тижорат банки. Манзили: Тошкент шаҳри, Баранова кўчаси, 40-уй. 17. Ўзбекистон акциядорлик инновация банки — «Ўзинбанк». Манзили: Тошкент шаҳри, Ржевский кўчаси, 3-уй. 18. «Турон» акциядорлик-тижорат бирлаштирув банки ва унинг бўлимлари. Манзили: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй. 19. «Тошкент» деҳқон-қурилиш тижорат банки. Манзили: Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 79-уй. 20. «Ўзавиабанк» тижорат банки. Манзили: Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 736-уй. 21. «Қурилиштижоратбанк» тижорат банки. Манзили: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй. 22. Геология ва қон қилирув тармоқларини ривожлантириш банки — «Ўзгеолбанк». Манзили: Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 11-уй. 23. «Ўзқасабабанк» тижорат банки. Манзили: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй. 24. «Парвина-банк» тижорат банки. Манзили: Самарқанд шаҳри, ўзбекистон кўчаси, 82-уй. 25. «Ўзтрастбанк» акциядорлик-биржа банки. Манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 7-уй. 26. Ўзбекистон Республикаси ихтисослаштирилган акциядорлик-тижорат банки — «Ғаллабанк» ва унинг бўлимлари. Манзили: Тошкент шаҳри, Лоухий кўчаси, 36-уй. 27. Ўзбекистон Республикаси ихтисослаштирилган акциядорлик-тижорат банки — «Ўзвесабазавотбанк» ва унинг бўлимлари. Манзили: Тошкент шаҳри, Лоухий кўчаси, 16 «а»-уй. 28. Ўзбекистон Республикаси ихтисослаштирилган акциядорлик-тижорат банки — «Алоқабанк». Манзили: Тошкент шаҳри, Толстой кўчаси, 1 «а»-уй. 29. Ўзбекистон «Ўзприватбанк» қўшма банки. Манзили: Тошкент шаҳри, Амр Темур шоҳкўчаси, 24-уй. 30. Тошкент ижтимоий уй-жой акциядорлик-тижорат банки. Манзили: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 16 «а»-уй.

Ташкилот таклиф қилади: 1. "SINO-303" музлатгичлари; 2. "Семур" телевизорлари; 3. 386, 486 DX компьютерлари; 4. "PANASONIC"- 130, 230, 500, 700 телефакслари; 5. "CANON"-300, 310, 320, 330 нусха кўчиргиш ускуналари (ксерокслар); 6. Телефон аппаратлари; 7. Калькуляторлар; 8. Кондиционерлар-БК-1800, БК-2300; 9. Биллур буюмлар, қандиллар; 10. ВР-1, 4-5 мм. ҳажмдаги симлар; 11. Пахта ўрайдиган 4-5 мм. ҳажмдаги симлар; 12. Пахта учун бондажлар; 13. Том ёпиш учун ишлатиладиган 0,55 мм. ҳажмли темирлар; 14. Идорага оид моллар; 15. Стаканлар (200 мл.); 16. Электр чироқлари (60-100Вт); 17. Аккумуляторлар; 18. Березент қўлқоплар. Телефонлар: 72-98-17, 79-17-71. Манзил: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги кўчаси, 100.

Агар 30 ёшдан ошган бўлсангиз, Унда сизга 30+ қувватдорси даркор!!! «Тридцать Плюс» кичик капсуласи ёрдамида сиз оғир иш кундан кейин ҳам омондунлар бинонинг сўнгги қаavatгача югуриб чиқишга қодир бўласиз. «Тридцать Плюс» нафақат чарқоқни тарқатади, балки Сиз сарфлаган қувватни тиклайди - у танангизнинг ҳар бир тўқмасига куч ва эччиллини қайтариб, Сизни яшартиради. Ҳарид қилиш масаласи бўйича қуйидаги манзила мурожаат қилинг: АДЖАНТА ФАРМА ЛИМИТЕД ФИРМАСИ. Тошкент, 700060. Милиториш кўчаси, 19-уй. Телефон: (3712) 32-01-48, 33-48-70. Телефакс: (3712) 33-84-71. Ёки Тошкентдаги сотувчи халқоналари: «Ило-Сано» фирмаси: (3712) 44-24-14, 40-44-81. «Фарм» фирмаси: (3712) 47-98-90.

ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Бош муҳаррир: Анвар ЖҲАБОВЕВ. БУЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Халқлар 33-07-48; Кишлоқ ҳўжаиши 36-07-94; Иқтисодийет 36-36-65; Маълумот 36-35-60; Ахборот 36-29-89; Туғеи муҳарририет 33-10-28. • МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Мятбуотчилар кўчаси, 19-уй. Навбатчи муҳаррир — И. Худобров. Навбатчи — Т. Долев.